2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 193 (1792), 2026 йил 18 сентябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Фаровонлик харитаси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУГУН ШИДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРМОҚДА

Қорақалпоғистон сўнгги йилларда, хусусан, янги ривожланиш дастурлари доирасида кескин иқтисодий, экологик ва ижтимоий янгиланиш даврини бошдан кечирмоқда. Илгари ушбу ҳудуд фақат экологик инқироз ҳудуди сифатида кўрилган бўлса, бугун у йирик инвестициялар, саноат ва “яшил” технологиялар марказига айланиб бормоқда.

Ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қиёфасини янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Оролбўйи иқтисодий жиҳатдан юксалиш баробарида замонавий инфратузилма, “яшил” технологиялар ва туризм марказига айланиб, қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қуриган денгиз тубидаги миллион гектардан ортиқ майдонда саксовул ва чўл ўсимликлари экилиб, қум кўчиши сезиларли даражада тўхтатилди.

Нукус ва Мўйноқ каби ҳудудлар янги қиёфа касб этиб, замонавий инфратузилма, аэропорт ва йўллар барпо этилмоқда. Савицкий музейи, Мўйноқ ва Устюрт платоси сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Туристлар оқими бир неча баробар ошди.

Қорақалпоғистон катта иқтисодий ҳамда инвестициявий салоҳиятга эга. Шу боис, иқтисодиётда сезиларли ўзгаришларга эришилди. Жумладан, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охирги ўринда эди. Бугун 7-ўринга кўтарилди. Саноат маҳсулотининг атиги 4 фоизи экспортга чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт 2016 йилдагига нисбатан 3,5 карра ошиб, 2,1 миллиард доллар бўлди.

Жорий йил якунига қадар ишсизлик даражасини 4,2 фоизгача, камбағалликни 3,2 фоизгача пасайтириш, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Қўшимча равишда “оғир” тоифадаги Бўзатов, Қонликўл, Мўйноқ ва Шуманай туманлари ҳамда 90 та маҳаллада камбағалликни 2 баробар қисқартириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Давоми 3-бетда

ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Бугун давлатларнинг тараққиёт суръатини табиий ресурслар ёки ишлаб чиқариш қувватларининг ўзи эмас, балки технология, инновация, билим ва инсон капитали белгилаб бермоқда. Сунъий интеллект меҳнат бозори ва бутун бошли саноат тармоқларини ўзгартирмоқда. Рақамли иқтисодиёт янги имкониятлар билан бирга янги хавфларни ҳам келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, энергетик трансформация ва глобал таъминот занжирларидаги ўзгаришлар эса мамлакатлардан бугунги вазифаларни ҳал этиш билан чекланмай, ўн йиллар кейинги тараққиёт эҳтиёжларини ҳам олдиндан кўра билишни талаб қилмоқда.



Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва ташрифнинг мантиқий давоми бўлган “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитига айнан шу нуқтаи назардан қаралса, стратегик аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Бу ташриф Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклигини янги мазмун билан бойитиш билан бирга ривожланган давлатнинг улкан технологик ва инновацион салоҳиятини Марказий Осиёнинг иқтисодий, ресурс ва демографик имкониятлари билан уйғунлаштиришга қаратилган янги ҳамкорлик моделига асос солди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугунги босқичга тасодифан келиб қолгани йўқ. Ўтган йилларда шаклланган сиёсий ишонч, иқтисодий манфаатдорлик ва халқларимиз ўртасидаги яқинлик мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Мамлакатимизда Корея сармояси иштирокида 700 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. KOICA, Корея Эксимбанки ва EDCF билан ҳамкорликда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, саноат, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, инфратузилма ҳамда таълим соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ташриф арафасида қарийб 12 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилгани ҳам муносабатларнинг амалий кўламини кўрсатади.

Аммо бу галги ташрифнинг энг муҳим хусусияти ҳамкорликнинг миқдорий кўрсаткичлардан сифат жиҳатидан янги босқичга ўтаётганида кўринади. Музокараларда Кореянинг илғор технологиялари билан янги Ўзбекистоннинг ресурс ва саноат салоҳиятини бирлаштириш асосида мустаҳкам инновацион ва технологик альянсни шакллантириш масаласи илгари сурилди. Бу ёндашув ҳамкорликнинг моҳиятини ўзгартиради: гап энди фақат сармоя жалб этиш ёки тайёр технологияларни харид қилиш ҳақида эмас, балки замонавий технологияларни ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш, улар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодиётни шакллантириш ҳақида бормоқда.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури ҳам мазкур мақсадларнинг аниқ иқтисодий асосга эга эканини кўрсатди. Корея Экспорт-импорт банки билан 8 миллиард долларлик янги ҳамкорлик дастурининг қўллаб-қувватлангани, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар, биомарказ, муҳим минералларни қайта ишлаш ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари шулар жумласидан. Яримўтказгичлар ва янги материалларни ишлаб чиқиш ҳамда синовдан ўтказиш марказини ташкил этиш имконияти ҳам кўриб чиқилмоқда.

Давоми 2-бетда

ҲАР БИР ТАШРИФДА ОЛТИН ФУРСАТЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ САОДАТИ БОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида қатор учрашувлар ва самимий суҳбатлар ўтказди. Биз бу тадбирларни катта қизиқиш билан кузатиб бордик. Мамлакатимиз етакчисининг биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитидаги иштироки ва ўзаро боғлиқликда тараққий этишимизнинг муҳим жиҳатлари баён этилган нутқи ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Корейс халқининг эътиқодий қарашларида бизникига ўхшаш фалсафалар кўп. Масалан, улар ҳам худди биз каби тонгни жуда қадрлайди, ўзгача эҳтиром билан қарши олади. Ҳар бир тонг янги имкониятлар ва фаровон ҳаёт учун азиз фурсат дея улуғланади. Шундан бўлса керак, Жанубий Корея “Тонгги тароват юрти” деб ҳам сифатланади.

Президентимиз матбуот котиби Шерзод Асадов давлатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга ташрифи якунлари бўйича ахборотида, жумладан, бундай деди: *“Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тонгги тароват юртига ташрифи самимий учрашув ва суҳбатларга бой бўлди. Биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити доирасида давлатимиз раҳбари минтақа давлатлари раҳбарлари билан мулоқот қилиб, икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорликнинг янги режаларини муҳокама қилди. Самимий табассумлар ва бемалол суҳбатлар мамлакатларимиз ҳамда уларнинг етакчилари ўртасидаги ўзаро ишончни яққол намоён этади.*

Давоми 2-бетда

ИНСОН КАПИТАЛИГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ




Тараққиёт ҳақида сўз кетганда, одатда рақамлар, инвестициялар, янги корхоналар, технологиялар ва инфратузилма кўз олдимизга келади. Аммо ҳар қандай тараққиётнинг ортида, аввало, инсон туради. Зеро, замонавий давлатнинг асосий бойлиги унинг ер остидаги кони ёки моддий ресурсларигина эмас. Энг катта стратегик ресурс бу — билимли, салоҳиятли, садоқатли ва ўз касбига дахлдор кадрлар.

Сеулда бўлиб ўтган биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида Ўзбекистон томони илгари сурган муҳим ташаббуслардан бири — инсон капиталини ривожлантиришда “буюртма — ўқитиш — бандлик” тамойилини жорий этиш таклифи ҳам айнан шу ҳақиқатнинг ифодасидир.

Бу — кадрга муносабатни ўзгартириш фалсафаси. Яъни, аввало, иқтисодиёт ва давлат бошқарувига қандай мутахассис кераклиги аниқланади. Кейин шу эҳтиёждан келиб чиқиб, инсон ўқитилади, билими ва кўникмаси шакллантирилади. Энг муҳими, олинган билим амалиёт билан уйғунлашиб, инсон ўз салоҳиятини намоён қиладиган иш ўрнига эга бўлади.

Давоми 4-бетда



СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИ: тизимга хусусий сектор кириб келмоқда

Ҳаво ҳарорати тушиб, салқин кириши билан иссиқлик таъминоти ҳақида ўйлай бошлаймиз. “Бу йил қиш қандай келади?”, “Газ етказиб беришда муаммолар бўлмайдими?”, “Тизимда йил давомида кўрилган ҳозирликдан одамларнинг кўнгли тўладими?” каби саволлар ортиши ҳам табиий. Чунки коммунал хизматлар сифати бевосита аҳолининг кундалик ҳаётидаги қулайликлар, турмуш фаровонлиги ва кайфиятига таъсир кўрсатади. Айниқса, хонадоннинг иссиқлиги, овқат тайёрлаш имконияти каби оддий кўринган эҳтиёжлар ортида бутун бошли инфратузилма ва катта тизим турибди.

Давоми 4-бетда



Ўткир Ҳошимов таваллудининг 85 йиллигига

НАСРДАГИ ШОИР

6

Корея бизнесининг юқори малакали кадрларга эҳтиёжини Марказий Осиёнинг таълим салоҳияти билан уйғунлаштириш ёшлар учун янги касбий имкониятлар очиши, қўшма саноат ва технологик лойиҳалар учун эса зарур мутахассислар базасини шакллантириши мумкин.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Бошланиши 1-бетда

Автомобиль саноатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, электр ва гибрид автомобиллар йиғиш, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар паркини кенгайтириш, уларга хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш каби режалар ҳам технологик кооперациянинг тобора чуқурлашаётганини кўрсатади. Янги илмий саноат биокластерида илм-фан, саноат ва замонавий технологияларни бирлаштирувчи яхлит экотизимни шакллантириш, аэропортларни бошқариш, рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича компетенциялар марказини ташкил этиш ташаббуслари эса ҳамкорликнинг янги моделида технология билан бирга билим ва бошқарув тажрибасини ўзлаштиришга ҳам катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

> **Корея Республикасига давлат ташрифининг яна бир муҳим натижаси шундаки, икки томонлама муносабатларда шаклланаётган ана шу янги модель биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида бутун минтақа миқёсидаги стратегик қараш даражасига кўтарилди.**

Бугун Марказий Осиё 80 миллиондан зиёд нуфусга эга, иқтисодиёти 6 фоиздан юқори суръатда ўсиб бораётган ва умумий ялпи ички маҳсулоти 500 миллиард доллардан ошган макондир. Корея Республикаси эса технология, инновация ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлардан. Саммитда таъкидланганидек, ана шу икки салоҳиятнинг уйғунлашуви мутлақо янги иқтисодий ва технологик имкониятларни юзага чиқариши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз илгари сурган “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” номли узоқ муддатли концептуал қарашни ишлаб чиқиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Унинг моҳияти бугунги муаммоларни ҳал этиш билан чекланмайди. Аксинча, келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаш назарда тутилмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш учун янги ўсиш манбалари ва узоқ муддатли имкониятларни яратадиган ташаббуслардан иборат Жадал ривожланиш лойиҳалари портфелини шакллантириш таклиф қилинди.

Аслида, бу ёндашув халқаро ҳамкорликнинг замонавий моҳиятини акс эттиради. Тараққиётга эришиш учун энди фақат капитал ва ресурснинг ўзи кифоя қилмайди. Келажакни олдиндан кўра билиш, технологиядаги ўзгаришларга тайёр туриш, янги компетенцияларни шакллантириш ва инсон капиталини шу мақсадларга мувофиқ ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Саммитда илгари сурилган иккинчи стратегик йўналиш ҳам айнан шундай мантиққа асосланади. Марказий Осиё энди фақат хомашё етказиб берувчи минтақа эмас, балки қўшимча қийматнинг глобал занжирларида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган янги иқтисодий макон сифатида намоён бўлмоқда.



> **Одилжон МАМАТКАРИМОВ, сенатор**

> **Бугун Марказий Осиё 80 миллиондан зиёд нуфусга эга, иқтисодиёти 6 фоиздан юқори суръатда ўсиб бораётган ва умумий ялпи ички маҳсулоти 500 миллиард доллардан ошган макондир. Корея Республикаси эса технология, инновация ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлардан. Саммитда таъкидланганидек, ана шу икки салоҳиятнинг уйғунлашуви мутлақо янги иқтисодий ва технологик имкониятларни юзага чиқариши мумкин.**

Шу мақсадда 2030 йилга бориб минтақа мамлакатлари билан Корея ўртасидаги савдо айланмасини 20 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистонда “Марказий Осиё — Корея” саноат-технология паркини ташкил этиш ташаббуси эса ушбу ғоянинг энг муҳим амалий ифодаларидан. У автокомпонентлар, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва кимё саноати каби йўналишларда минтақа бозори учун инновацион ишлаб чиқариш базасига айланиши мумкин.

Бу ерда принципиал аҳамиятга эга бир жиҳат бор: Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ресурслар миқдори билан эмас, ана шу ресурслар асосида қанча интеллектуал ва технологик қиймат яратилиши билан белгиланади. Шу маънода, муҳим ва нодир минераллар соҳасидаги ҳамкорлик учинчи стратегик йўналиш сифатида белгиланган бежиз эмас.



Бугун юқори технологияли саноат, транспорт, энергетика, электроника ва бошқа истиқболли тармоқлар ривожида муҳим минералларга талаб ортиб бормоқда. Марказий Осиёдаги ресурс имкониятларини Кореянинг технологияси, капитали ва илмий тажрибаси билан бирлаштириш геология-қидирув ва қазиб олишдан тортиб, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ саноат занжирини шакллантириш имконини беради. Шу мақсадда муҳим минераллар бўйича Минтақавий инвестиция альянсини ташкил этиш таклиф қилинди.

Тўртинчи стратегик йўналиш — “яшил” тараққиёт ва иқлим ўзгаришига мослашиш ҳам бугунги ва келажак авлодлар манфаатларига бевосита дахлдор. Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углерод ҳамкорлиги бўйича янги форматни ишга тушириш, Кореянинг илғор технологияларини жалб этиш, энергетик трансформация ва кам углеродли иқтисодиётга ўтишни рағбатлантириш минтақанинг барқарор тараққиёти учун муҳим.

Бироқ саммитда илгари сурилган бешинчи йўналиш — инсон капитали ва ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи, назаримизда, қолган барча йўналишни бирлаштирувчи фундаментал асосдир. Чунки технологияни ҳам, янги саноатни ҳам, рақамли иқтисодиётни ҳам, “яшил” тараққиётни ҳам билимли ва малакали инсонлар барпо этади.

Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу — улкан демографик салоҳият. Лекин демографик устунлик ўз-ўзидан иқтисодий устунликка айланмайди. Бунинг учун ёшларга замонавий билим, муҳандислик ва рақамли кўникмалар, халқаро тажриба ва муносиб меҳнат имкониятлари зарур.

Шу жиҳатдан Президентимиз илгари сурган “буюртма — ўқитиш — бандлик” тамойили ўта муҳим. У кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозори ва реал иқтисодиёт эҳтиёжлари билан бевосита боғлашни назарда тутади. Корея бизнесининг юқори малакали кадрларга эҳтиёжини Марказий Осиёнинг таълим салоҳияти билан уйғунлаштириш ёшлар учун янги касбий имкониятлар очиши, қўшма саноат ва технологик лойиҳалар учун эса зарур мутахассислар базасини шакллантириши мумкин. Айниқса, сунъий интеллект технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилгани келажак иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлаш масаласи стратегик даражага кўтарилганини кўрсатади.

Бу жараёнда Ўзбекистон муайян тажрибага эга. Мамлакатимизда Корея университетларининг тўртта филиали фаолият юритмоқда. KOICA кўмагида бешта касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилган. Давлат ташрифи давомида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бу тажрибани янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Бунда Кореяда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашув ҳам ўзига хос маъно касб этади. Улар миллий иқтисодиёт ва давлат бошқарувига сунъий интеллект ҳамда Кореянинг рақамли технологияларини интеграция қилиш, тиббиёт, транспорт, божхона ва туризмга инновацион ечимларни жорий этиш, АТ мутахассисларини тайёрлаш бўйича илғор таклифларни билдирди. Бу эса хорижда билим олаётган ва тажриба орттираётган ватандошлар салоҳиятини мамлакат тараққиёти билан боғлашнинг янги механизмларини шакллантириш учун ҳам муҳим асосдир.

Ўзбекистон — Корея муносабатларининг мустаҳкамлиги фақат иқтисодий манфаатларга таянмайди. Халқларимизни кекса авлодга ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, Ватанга садоқат каби муштарак қадриятлар ҳам яқинлаштиради. Марказий Осиёнинг кўп миллатли оиласи ажралмас қисмига айланган корейс диаспораси эса халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликнинг мустаҳкам кўприги бўлиб хизмат қилмоқда. 2027 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ҳамда корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошлаганининг 90 йиллигини кенг нишонлаш режалаштирилгани ушбу муносабатларнинг инсоний ва маънавий пойдеворини янада мустаҳкамлайди.

Тарихдаги биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити якунлари бўйича Сеул декларацияси ва ҳамкорликнинг устувор йўналишларига доир қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши янги форматнинг институционал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

> **Умуман олганда, Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити ҳамкорликнинг янги фалсафасини намоён этди. Унинг мазмунини инвестициядан технологик кооперацияга, хомашё етказиб беришдан юқори қўшилган қиймат яратишга, тайёр технологияларни жалб қилишдан инновацияларни биргаликда ишлаб чиқишга, кадрлар тайёрлашдан “буюртма — ўқитиш — бандлик” асосида замонавий инсон капиталини шакллантиришга, икки томонлама манфаатдан минтақавий жадал тараққиёт маконини барпо этишга ўтиш сифатида ифодалаш мумкин.**

Энг муҳими, бу янги ҳамкорлик моделида технологиянинг ўзи асосий мақсад эмас. У инсон ҳаётини яхшилаш, ёшларга замонавий билим ва касб ўргатиш, муносиб иш ўринлари очиш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва келажак авлодлар учун барқарор тараққиёт пойдеворини барпо этиш воситасидир.

Шу маънода, Сеулда бошланган янги босқични фақат навбатдаги дипломатик мулоқот натижаси сифатида эмас, балки Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёнинг технология, билим ва инсон капиталига таянган келажагини Корея Республикаси билан биргаликда барпо этишга қаратилган узоқ муддатли стратегик қадам сифатида баҳолаш мумкин.

> **Президентимиз илгари сурган “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” номли узоқ муддатли концептуал қарашни ишлаб чиқиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Унинг моҳияти бугунги муаммоларни ҳал этиш билан чекланмайди. Аксинча, келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаш назарда тутилмоқда.**

ҲАР БИР ТАШРИФДА ОЛТИН ФУРСАТЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ САОДАТИ БОР

Бошланиши 1-бетда

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ли Ук Хён билан суҳбат, айниқса, самимий кечди. Бу учрашув ўтган йилларни, Ўзбекистон — Корея дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида биргаликда амалга оширилган ишларни ёдга олиш имконини берди.

Саммит арафасида давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери учун корейс тилига таржима қилинган “Мирзиёев доктринаси” китобига мамнуният билан дастхат ёзиб берди. Бу янги Ўзбекистон ғоялари ва ислоҳотларига бўлган самимий қизиқишнинг яна бир ифодасидир.

Кореялик дўстларимиз давлат ташрифига алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатди. Жанубий Кореядаги энг баланд бино — Lotte World Tower ҳамда Сеул телеминорасида Ўзбекистон байрогининг ёрқин тасвирлари намоён бўлди. Президентимиз ташрифи шарафига байрогимиз рангларидаги дирижабл парвоз қилди, қароргоҳ олдидаги фавворада эса давлатимиз герби ва байроги тасвирлари акс эттирилди.

Тасаввур қилинг, Сеул 4 соат олдинда. 15 сентябрь Ўзбекистонда тонгги 6 бўлганида давлат раҳбарининг Корея Миллий ассамблеясида учрашуви бўлаётганди. Президентимиз парламент спикери билан хайрлашаётганида айтган гаплари қулоғимга чалинди: “Ишларимиз жуда кўп, соат 4 да уйғонишга тўғри келяпти”.

“Ишларимиз жуда кўп”нинг маъноси, менимча, шундай: Президентнинг иш дастурида тушга қадар 1 та учрашув, 1 та қабул, яна 200 кишилик Ўзбекистон — Корея бизнес форумида нутқ, ҳужжатларни имзолаш маросими, Ўзбекистон вилоятларида 5 та қўшма янги лойиҳага старт маросими, Кореянинг 10 та чебол компанияси (кўп тармоқли улкан оилавий бизнес) билан тет-а-тетлар. Бу вақтда эса яна бир залга одамлар тўпланди, Кореяда яшаётган, ўқиётган 50 га яқин ватандош маҳтал турибди. Бу ишларни бошида туриш тугул, шунчаки ўқиб кўрсангиз ҳам “эҳҳе” деб юборасиз.

Костюм-шим кийган жиддий одамларнинг гапларини эшитиб қоламан: “Балки ватандошлар билан учрашув “отмен” бўлар? Учрашувга кирманг, деб айта қоламиз, саммитга тайёргарлик кўришлари керак, ҳали “обед” ҳам қилмадилар”.

> **Тасаввур қилинг, Сеул 4 соат олдинда. 15 сентябрь Ўзбекистонда тонгги 6 бўлганида давлат раҳбарининг Корея Миллий ассамблеясида учрашуви бўлаётганди. Президентимиз парламент спикери билан хайрлашаётганида айтган гаплари қулоғимга чалинди: “Ишларимиз жуда кўп, соат 4 да уйғонишга тўғри келяпти”.**

Буларнинг барчасида мезбонларнинг самимий меҳмондўстлиги ва юксак ҳурмати сезилиб турарди. Сеулдан илиқ таассуротлар ва дўстлигимизнинг истиқболи порлоқ эканига ишонч билан қайтдик”.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга ташрифи самимий учрашув ва суҳбатларга бой бўлганини халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Тўғри-да, минтақа давлатлари раҳбарларининг самимий табассумлари, ўзаро эркин суҳбатларига ҳар доим ҳам гувоҳ бўлавермаймиз. Бу ҳолат эса мамлакатларимиз ҳамда уларнинг етакчилари ўртасидаги ўзаро ишончни яққол намоён этади.

> **Яна бир гап. Ҳар сафар Президентимизнинг хорижга ташрифлари жуда тиғиз кун тартибида ўтади ва ўзаро манфаатли учрашувларга бой бўлади. Бунга давлатимиз раҳбари ёнида юрган журналистларимиз ҳар доим гувоҳ бўлади. Улар ижтимоий тармоқларда бу ҳақда ёзиб ҳам туради.**

Кеча ҳам шундай бўлди. Журналист Азиза Қурбонова ўз саҳифасида бундай ёзди: *“…Мен машинада кўп юраман, кўчада бир-бири билан мулоқот қилиб кетаётган ёшларни кўриб ўйлайман: қани энди улар энг бахтли кунлари шу эканини билсалар…*

Биласизларми, Президент бўлиб мени нима қийнайди? Менга вақт етмайди!”

Сеулда давлат раҳбарининг ватандошларимиз билан мулоқотида шу сўзларини эшитиб, таъсирландим.

Биз Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритиш учун келган журналистларга ҳам, бутун делегациямизга ҳам ва мана билдикки, Президентимизга ҳам вақт етмаяпти.

Тасаввур қилинг, Сеул 4 соат олдинда. 15 сентябрь Ўзбекистонда тонгги 6 бўлганида давлат раҳбарининг Корея Миллий ассамблеясида учрашуви бўлаётганди.

Президентимиз парламент спикери билан хайрлашаётганида айтган гаплари қулоғимга чалинди: “Ишларимиз жуда кўп, соат 4 да уйғонишга тўғри келяпти”.

“Ишларимиз жуда кўп”нинг маъноси, менимча, шундай: Президентнинг иш дастурида тушга қадар 1 та учрашув, 1 та қабул, яна 200 кишилик Ўзбекистон — Корея бизнес форумида нутқ, ҳужжатларни имзолаш маросими, Ўзбекистон вилоятларида 5 та қўшма янги лойиҳага старт маросими, Кореянинг 10 та чебол компанияси (кўп тармоқли улкан оилавий бизнес) билан тет-а-тетлар. Бу вақтда эса яна бир залга одамлар тўпланди, Кореяда яшаётган, ўқиётган 50 га яқин ватандош маҳтал турибди. Бу ишларни бошида туриш тугул, шунчаки ўқиб кўрсангиз ҳам “эҳҳе” деб юборасиз.

Костюм-шим кийган жиддий одамларнинг гапларини эшитиб қоламан: “Балки ватандошлар билан учрашув “отмен” бўлар? Учрашувга кирманг, деб айта қоламиз, саммитга тайёргарлик кўришлари керак, ҳали “обед” ҳам қилмадилар”.

> **Тушлик қилмай ишлашларига биз ҳам гувоҳмиз, айниқса, хорижда тадбир-тадбирга уланиб кетаверади. Кўпроқ одам билан гаплашишга ҳаракат қилади Президент. Кўпроқ фойда олиб кетай юртимга дейди Президент.**

Бир кун ичида ниҳоятда кўп одам билан гаплашиб, топшириқлар бергани, нутқ ўқигани —“нон-стоп” режими ўз таъсирини кўрсатади: Президент баъзан томоғи қирилаётгани учун узр сўрайди, “Булар менга сув ҳам бермайди”, деб ярми ҳазил, ярми чин айтади.


Шуларни ўқир экансиз, Жанубий Кореяга ташрифнинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли бўлганини яна бир бор юракдан ҳис қиласиз. Яна англаймизки, Президентимиз қаерга бормасин, ким билан учрашмасин, доим ва доим 40 миллионли Ўзбекистон халқи манфаатини ўйлайди. Нима қилса халқимизга яхши бўлиши, ҳаётимиз бугунгидан-да фаровон бўлиши ҳақида қайғуради.

Яна айтишимиз жоизки, давлатимиз раҳбарининг хориж мамлакатларига ҳар бир ташрифида олтин фурсатларнинг қадрига етиш саодати бор.

Бундан шундай хулосага келамиз: мамлакатимизда кейинги йилларда бўлаётган туб ислоҳотлар, халқимизни ҳаётдан рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва улар ортидаги бугунги фаровон ҳаётимиз замирида жуда катта тинимсиз меҳнат ва яна меҳр-муҳаббат самараси турибди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири









Фаровонлик харитаси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУГУН ШИДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

АМУДАРЁДА ЯНГИЛАНИШЛАР НАФАСИ

Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани аҳли бугун ислоҳотлардан мамнун. Негаки туманда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари тинмаяпти. Бу ишлар ҳудудни ривожлантириш, камбағалликни қисқартиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Жумладан, жорий йилда “Оғир маҳалла” дастури асосида Амударё туманидаги 8 та маҳалла танлаб олинди. Уларнинг ҳар бирига республика бюджетидан 3 миллиарддан, умумий ҳисобда 24 миллиард сўм ажратилди.



— Мазкур маблағ, биринчи навбатда, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Яъни йўл, сув ва электр таъминоти яхшиланади. Жумладан, дастур доирасида ҳудудларда 6 километр йўл асфальт қилинади. Яна 53,2 километр янги электр тармоқларини тортиш режа қилинган. Электр таъминотидаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида тармоқ ҳимоя қобиғига эга (СИП) кабелга алмаштирилади. Шунингдек, 19 та замонавий трансформатор ва бетон устунлар ўрнатилади, — дейди Амударё тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Фахриддин Юсупов. — Бундан ташқари, ҳудудларда 160 киловатт қувватга эга қуёш панеллари монтаж қилинади. Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини ривожлантириш, сув таъминотини яхшилаш учун иккита ҳудудда 10 та насос ўрнатилади ва 6 та артезиан қудуғи қазилади.

Инфратузилмани яхшилаш билан бирга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ўстиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лойиҳалар натижасида туманда 402 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 419 киши ўзини ўзи банд қилиш имконига эга бўлади. Натижада 536 киши учун доимий даромад манбаи яратилади. Қолаверса, 144 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, мавжуд 87 та корхона фаолияти янада кенгайтирилади. Бу орқали маҳаллий бюджетга қўшимча 1 миллиард 460 миллион сўм тушум кутилмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мақсадида 98 та савдо лоти ташкил этилади.

Амударё туманининг Юқорижишлоқ маҳалласи мисолида дастур ижросининг реал самарасини кўриш мумкин. Бу ерда умумий ҳисобда 3 та йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Дастлабки лойиҳа доирасида 665 та хонадонга тегишли 3,1 гектар томорқанинг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Иккинчи лойиҳада Навқирон авлод ва Ғаллакор кўчаларида 250 киловатт қувватли трансформатор ўрнатилади. Бунга қўшимча равишда Манзара, Навқирон авлод, Посбонлар, Фермерлар ва Миллий истиқлол кўчалари бўйлаб бетон устунлар ўрнатилиб, қиймати 1 миллиард сўмлик электр тармоқлари тортилади. Учинчи лойиҳа асосида маҳалланинг туман маркази ва бошқа туташ ҳудудлар билан боғлайдиган йўллар асфальтланади. Бунинг учун 1 миллиард 510 миллион сўм ажратилади.

Президентимиз 2025 йил 8 октябрда “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Ушбу ҳужжат асосида туманнинг Қиличбой овулида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунинг учун маҳаллага бюджетдан 5 миллиард сўм ажратилган. Мазкур дастур доирасида ҳудуд инфратузилмасини бутунлай ўзгартирадиган манзилли лойиҳалар ишлаб чиқилди.

— Маҳалламизда шу пайтгача хаёлимизга ҳам келмаган янгиланишлар бўляпти. Масалан, 200 миллион сўмга 2 та воркаут майдончаси ҳамда 400 миллион сўмга 2 та болалар ўйингоҳи барпо этилади, — дейди Юқорижишлоқ маҳалла оқсоқоли Ғуломжон Отажонов. — Шунингдек, пиёдалар ва велосипедчилар учун 1,5 миллиард сўмга 2 километр йўлак қурилади. Маҳалла кўчаларини обод қилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 250 миллион сўмга чироқлар ва “ақлли” светофор ўрнатилади. Шунингдек, 950 миллион сўмга йўлларда жорий таъмирлаш ишлари бажарилади. 3 километр масофадаги электр тармоғи ҳимоя қобиқли симларга алмаштирилади. 250 киловатт қувватли трансформатор ўрнатилади. 1,5 миллиард сўмга кичик бозор очиш ҳам кўзда тутилган.

Дастурлар доирасидаги бу каби тизимли ишлар ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Беруний туманидаги бунёдкорлик ишлари ҳам халқимиз қувончига сабаб бўляпти. Масалан, тумандаги Саройкўл маҳалласи “оғир тоифа”га киритилган эди. Республика бюджетидан 2 миллиард, маҳаллий бюджетдан 1 миллиард сўм ажратилиб, ҳудуддаги йўлларнинг 3 километрини асфальтлаш, трансформатор ўрнатиш ва 1,2 километр электр тармоғини тортиш белгиланган.

Бу борадаги ишларнинг салмоқли қисмини аллақачон бажаришга киришилган. Бугун қорақалпоғистонликлар ана шу бунёдкорлик, яратувчанлик руҳига мос тарзда янги режа ва марралар сари интилиб яшамоқда.



Хотин-қизлар фаоли вазифаси таъсис этилгани туфайли муаммолар маҳалланинг ўзида ечим топмоқда. Айни пайтда давом этаётган хотин-қизлар балансини шакллантириш жараёнида Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа ва Хўжайли туманлари тажрибаси қўл келмоқда.



АНИҚ РАҚАМЛАР АСОСИДАГИ НАТИЖАДОР ЛОЙИҲАЛАР

ЁХУД ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА?

Жумладан, Хўжайли туманидаги “Наврўз” маҳалла ва Тахиатош туманидаги “Найманкўл” овул фуқаролар йиғинларида ўтказилаётган хатловлар натижасида аёлларнинг иш билан таъминлашга оид мурожаатлари ечим топган. Тадбиркор ва ҳунармандларнинг бўш иш ўрнидан келиб чиқиб, хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда.

Шу туманда яшовчи Норгул Худойберганова ҳам ҳудуддаги илғор тадбиркорлардан. У маҳалла хотин-қизлари ҳамкорлигида “устозшогирд” анъаналарини давом эттирмоқда. Ишбилармон аёл бошчилик қилаётган корхонада 130 га яқин хотин-қиз фаолият юритиб, миллий либослар тикмоқда. Корхонада яна 50 га яқин иш ўрни очиш кўзда тутилган.

— Миллий кийимларни Қозоғистонга экспорт қиламиз. Яқинда филиал очиб, яна 10 та иш ўрни яратамиз. Ҳозир фаолият юритаётган корхонамизга яна 20 хотин-қизни ишга олмоқчимиз, — дейди тадбиркор Норгул Худойберганова.

Хўжайли тумани Наврўз маҳалласида яшайдиган хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳудуд аҳолисининг ўзи фаоллик кўрсатмоқда. Кеча иш бошлаган тадбиркорлар бугун имтиёз ва имкониятлар сабаб фаолиятини кенгайтирмоқда. Натижада бозорларимиз обод бўлиб, аҳоли даромади ошяпти.

— Шу йил 15 июлдан бошлаб “еттилик” аъзолари билан аёллар балансини шакллантириш бўйича хатлов ўтказдик. Натижада 1686 хотин-қиз аниқланди. Уларни “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифага ажратиб олдик. “Сариқ” тоифадаги 53 ишсиз хотин-қизнинг ҳар бири учун индивидуал дастур ишлаб чиқдик. “Қизил” тоифадагилар эса “еттилик”ка бириктирилган. Уларнинг барчасини “сариқ” ва “яшил” тоифага олиб чиқиш учун режа тайёрланган, — дейди Наврўз маҳалласидаги хотин-қизлар фаоли Алтингул Ўразшаева.

Тахиатош тумани “Найманкўл” овул фуқаролар йиғинида ҳам хотин-қизлар бандлигига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўрганишлар натижасида маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар ҳудуддаги гиламдўз Зулфия Машариповадан ҳам ҳунар ўрганиб, ҳам даромад оляпти.

— Ҳудудда яшайдиган 30 дан ортиқ хотин-қизга “устоз-шогирд” анъанаси асосида ҳунар ўргатдик. Ҳозир уларга буюртма бериб, бандлигини таъминлаяпмиз, — дейди ҳунарманд. — Миллий услубда тўқилган гиламларга ички бозорда ҳам, хорижда ҳам талаб юқори. Шу боис, хотин-қизлар яхши даромад топмоқда.

Амударё туманида ҳам эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхати тузилиб, ёрдам берилмоқда. Масалан, Дарёбўйи маҳалласида яшовчи Наргиза Абдиева неча йиллар давомида эски уйда яшаб, қийинчиликларга дуч келганди. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги байрами арафасида унга “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан янги хонадон қуриб берилди. Тўрт фарзандининг онаси Наргиза Абдиева янги уйга эга бўлганидан мамнун.

— Олдин 6 киши битта хонада яшар эдик. Жуда кўп қийинчилик кўрдик. Ҳозир мана, янги уй қуриб берилди, — дейди кўзидаги қувонч ёшлари билан Наргиза Абдиева.

Туман ҳокими ўринбосари Гўзал Собированинг таъкидлашича, ҳудудда 109 минг хотин-қиз хатловдан ўтказилиб, “қизил” ва “сариқ” тоифаларга ажратилган.

— “Қизил” тоифадаги қарийб 320 минг аёл ишсиз экани аниқланган. Уларга масъуллар бириктирилиб, бандлиги таъминланмоқда. Хотин-қизларни ишли қилиб, “сариқ” тоифага ўтказишга бел боғлаганмиз. “Сариқ” тоифадагиларни эса “яшил” тоифага ўтказамиз, — дейди Амударё тумани ҳокими ўринбосари Гўзал Собирова. — Умуман, хатлов натижасида туманимиздаги ишсизлар, тадбиркорлар ва муҳтож аёллар аниқлаб олинган. Ҳозир хотин-қизларни ишли қилиш учун етакчи тадбиркорларга бириктириб, касб-ҳунар ўргатяпмиз. Келгусида улар ўзлаштирган касби бўйича тадбиркорлик субъектларида иш бошлайди.

Нукус шаҳрида хотин-қизлар баланси шакллантирилиб, бандлиги таъминланган.

— Хотин-қизлар балансини шакллантиришда шаҳримиздаги 71 та маҳаллада хатлов ўтказилди. Бунда ишсиз, норасмий иш билан банд бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга эътибор берилди. Қолаверса, 11-синфни битириб, олий ўқув юртларига кира олмаган қизлар ва ОТМни битириб, иш излаётган опа-сингилларимиз ҳам эътибордан четда қолмади. Ҳозир қанча хотин-қиз ишсиз экани ва улар учун нечта иш ўрни очиш имкони борлиги аниқланган. Нукус шаҳри маҳалларидаги хотин-қизларни “сариқ”, “яшил”, “қизил” тоифаларга бўлиб олдик, — дейди Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари Зулфия Даўлетназарова. — Ҳозир уларни ишга жойлаштириш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қорақалпоғистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва улар билан тизимли ишлаш борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Ўрганишлар орқали аниқ рақамлар шакллантирилиб, бандлик борасидаги пухта ва натижадор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида, улар фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

> **Хотин-қизлар балансини шакллантиришда шаҳримиздаги 71 та маҳаллада хатлов ўтказилди. Бунда ишсиз, норасмий иш билан банд бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга эътибор берилди.**

БОЗОРЛАР ТЎКИНЛИГИ — ЮРТ РАВНАҚИНИНГ КЎЗГУСИ

Нукус туманидаги “Biogumus” фермер хўжалиги серқуёш заминимиз, сермаҳсул тупроғимизда етиштирилган помидорни табиий шароитда қуритиб, экспорт қилмоқда. Ёш тадбиркор Шерзод Ниязимбетов раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалигида помидордан 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр маҳсулотлар Хитой, Франция, Исроил ва Япония каби давлатларга юборилмоқда.



> **“Олтинсой” овул фуқаролар йиғинида 63 та камбағал оила яшайди. Маҳаллада шароит ва ресурслар етарли. Улардан унумли фойдаланиб, йил якунигача овулни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш режа қилинган.**

Жорий йилда ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун 15 миллиард сўм эвазига Хитойдан замонавий ускуналар олиб келинди. Ҳозир улар монтаж қилинмоқда. Ускуналар ишга туширилгач, қуёшда қуритилган помидорга ёғ ва зираворлар қўшиш орқали янги турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Натижада корхонада кунига 5000 қути маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга тушгандан кейин корхона фаолияти янада кенгайиб, ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт салоҳияти ошади. Янги иш ўринлари очилади.

Умуман, бугун Қорақалпоғистонда шу каби катта-кичик лойиҳалар аҳоли бандлиги ва фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Беруний туманининг олис ҳудуди бўлган “Олтинсой” овул фуқаролар йиғинида “маҳалла еттилиги” томонидан микролойиҳалар орқали аҳоли камбағалликдан чиқарилмоқда.

— Томорқасидан самарали фойдаланиши учун “Олтинсой” овул фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган тўртта оилага субсидия асосида сув насослари олиб берилди. Шунингдек, “Олтинсой” ва “Қизил қалъа” овул фуқаролар йиғинларида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 12 фоизли имтиёзли кредит ажратилиши белгиланган. Шу асосда камбағаллик реестридаги саккизта оиланинг ҳар бирига 25 тадан зотдор қўй берилди, — дейди Беруний тумани ҳокими Икром Хидиров.

“Олтинсой” овул фуқаролар йиғинида 63 та камбағал оила яшайди. Маҳаллада шароит ва ресурслар етарли. Улардан унумли фойдаланиб, йил якунигача овулни камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш режа қилинган.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларни сифатли сақлаш ва мавсумдан ташқари вақтда ҳам истеъмолчига узлуксиз етказиб бериш муҳим. Бу бозорда нарх-навонинг барқарор сақланишига хизмат қилади. Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда совиткичли омборлар тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ишлар ҳудудлардаги деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам натижа бермоқда.

Амударё тумани Тошёп овули ҳудудида фаолият юритаётган Шерзод Бекманов деҳқон хўжалиги мева маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва йил давомида истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича бошқаларга намуна бўла олади.

— Хўжалигимиз тасарруфида 4 гектар боғ бор. Шунингдек, 10 гектар олмазорни ҳам ижара асосида фойдаланишга олганмиз, — дейди хўжалик раҳбари. — Мазкур боғлардан олма ҳосили йиғиб-териб олиниб, хўжалигимиздаги совиткичли омборга жойлаштириляпти. Уларни қиш ва баҳорда босқичма-босқич ички бозорларга чиқарамиз.

Деҳқон хўжалиги бундан икки йил аввал умумий ҳажми 150 тонна бўлган иккита совиткичли омбор ташкил этган эди. Ҳозир ушбу омборларга хўжалик боғидан териб олинган ҳосил тўпланмоқда. Бундай омборлар учун ҳам муайян имтиёзлар мавжуд. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 28 апрелдаги тегишли қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Совиткичли сиғимлар уюшмасига аъзо бўлган субъектларга совиткичли омбор қуриш ёки жиҳозлаш, шунингдек, уларнинг электр энергияси харажатининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратилмоқда.

Тадбиркор Шерзод Бекманов тасарруфидаги фермер хўжалигида пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳам мўл ҳосил олинмоқда. Айни кунларда хўжаликнинг пахта даласида теришга тайёр турган мўл ҳосил кўзни қувнатади. Хўжалик раҳбари жорий йилда ҳам пахтадан юқори ҳосил олиб, салмоқли даромадга эришишни режа қилган.

Боғдорчилик, пахтачилик ва ғаллачиликни бир вақтда йўлга қўйган кўп тармоқли хўжаликлар йил давомида барқарор даромад топади. Ўнлаб оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ тайёрлади.

Солиқ қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаменти ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор тизимли лойиҳалари алоҳида аҳамият касб этади.



Янгича ёндашувлар

ИНСОН КАПИТАЛИГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ



Тўрабек ТЎРАЕВ,
Солиқ қўмитаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаменти директори

Бошланиши 1-бетда

Шундай экан, гап шунчаки кадр тайёрлаш ҳақида эмас. Гап инсон тақдирини меҳнат бозори эҳтиёжи билан уйғунлаштириш ҳақида. Солиқ тизимида ҳам инсон капитали — бош стратегик ресурс. Бу ёндашув солиқ тизими учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Чунки замонавий солиқ маъмуриятчилиги фақат қонунни билиш ёки рақамлар билан ишлашдан иборат эмас. Бугун солиқчи рақамли технологияларни тушунадиган, таҳлил қиладиган, мулоқотга тайёр, ўзгаришларга мослаша оладиган ва энг муҳими, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этадиган мутахассис бўлиши керак.

Шу маънода, 2030 йилга қадар белгиланган стратегик вазифалар доирасида солиқ тизимида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, малака ошириш тизимини такомиллаштириш ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришга қаратилган ишлар инсон капиталига берилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Зеро, кадрлар қўнимсизлиги фақат HR муаммоси эмас. Бу институционал хотира, тажриба ва тизим самарадорлиги масаласидир. Бир ходим кетганда унинг лавозими бўшайди, холос деб қараш масаланинг моҳиятини тор тушунишдир. У билан бирга тажриба, кўникма, жамоавий алоқалар ва йиллар давомида шаклланган институционал билимнинг муайян қисми ҳам кетиши мумкин.

Шунинг учун замонавий HR сиёсати ходимни ишга қабул қилиш билан эмас, унинг тизимда ўзини қадрланган, ривожланаётган ва келажагини кўраётган инсон сифатида ҳис қилиши билан ўлчанади.

“ТОП-100”: ёш кадрга берилган ишонч

Шу нуқтаи назардан, Солиқ қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаменти ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор тизимли лойиҳалари алоҳида аҳамият касб этади.

Аввало, кадрлар захирасини шакллантириш, истиқболли ёш мутахассисларни аниқлаш ва салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар йўлга қўйилди. Солиқ тизимида истиқболли ёш кадрларни аниқлаш ва раҳбарлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган “ТОП-100 ёш солиқ кадрлари” лойиҳаси ёш мутахассисларга ишончнинг амалий кўринишидир.

Уларнинг аксарияти раҳбарлик лавозимларига жалб этилаётгани бир ҳақиқатни кўрсатади: ёшлик тажрибасизлик дегани эмас, агар унга имконият, билим ва ишонч берилса, ёш кадр ўзгаришларнинг асосий драйверига айланиши мумкин. Бу ерда энг муҳим жиҳат — лавозимнинг ўзи эмас. Муҳими, келажак раҳбарларини бугундан тайёрлаш.

Дунё тажрибаси — миллий амалиётга

Салоҳиятли кадрни шакллантиришнинг яна бир муҳим омили тажриба алмашинувидир. Мамлакатимиздаги Солиқ олий мактаби имкониятлари билан бирга ривожланган давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасаларида стажировкалар ташкил этилиши, хорижий тажрибани ўрганиш ва илғор ёндашувларни солиқ маъмуриятчилигига имплементация қилиш жараёнлари кадрлар дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.



Чунки бугунги солиқчи фақат ўз тизимидаги жараёнларни эмас, дунё солиқ маъмуриятчилиги қаерга қараб бораётганини ҳам билиши керак.

Технология ўзгараётган бир пайтда билимни янгиламаслик кечаги усул билан бугунги муаммони ҳал қилишга уринишдир.

Ёш кадрларга эътиборнинг яна бир муҳим намунаси сифатида август ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ёш солиқчи — 2026” форумини қайд этиш мумкин. Кучли экспертлар иштирокида ўтказилган мулоқотлар, фикр ва тажриба алмашинуви якунида йўл харитасининг шакллантирилиши эса тадбирни оддий форум доирасидан чиқариб, амалий натижага йўналтирди.

Чунки ҳар қандай ғоянинг ҳақиқий қиймати унинг қанчалик чиройли айтилганида эмас, қанчалик амалга оширилганида намоён бўлади.

Куни кеча Зоминда ўтказилган “HR хавфларни бошқариш” тренинги ҳам тизимда кадрлар масаласига муносабат тубдан ўзгараётганини кўрсатади. Хавфни бошқариш учун, аввало, уни тан олиш ва аниқлаш керак.

Шу маънода, тизим ходимлари ўртасида “Инсон ресурслари соҳасидаги хатарларни аниқлаш” мавзусида ўтказилган сўровнома ҳам муҳим қадам бўлди. Натижалар меҳнат муҳити, ходимларнинг ташкилотга дахлдорлик ҳисси, ички мотивацияси ва касбий ривожланиши билан боғлиқ айрим йўналишларда қўшимча чоралар зарурлигини кўрсатди.

Бу натижаларни муаммо эмас, ривожланиш нуқталарини аниқлаш имконияти сифатида қабул қилиш жоиз. Зеро, кучли ташкилот муаммоси йўқ ташкилот эмас. Кучли ташкилот муаммосини яширмайдиган, уни аниқлайдиган ва ечим излайдиган ташкилотдир.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг учинчи муҳим йўналиши — “устоз-шогирд” анъаналарини такомиллаштириш. Технологияни китобдан ўрганиш мумкин. Қонунни дарсликдан ўқиш мумкин. Аммо касбнинг нозик жиҳатлари, қарор қабул қилиш маданияти, масъулият, мулоқот ва тизимда йиллар давомида шаклланган амалий тажрибани фақат инсондан инсонга ўтказиш мумкин.

Шу боис, “устоз-шогирд” тизими — ўтмишдан қолган анъана эмас. У институционал хотирани сақлашнинг замонавий механизми. Бугунги устознинг шогирди эртага раҳбар бўлиши мумкин. Эртанги раҳбар эса кейинги авлодга ўз тажрибасини беради. Шу тариқа тизимда нафақат кадр, балки мактаб ҳам шаклланади.

Бош мезон — натижа

Энг муҳим жиҳатлардан бири ушбу жараёнларни тизимли ташкил этиш мақсадида Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаментининг алоҳида стратегияси қабул қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича йўл хариталари ва регламентлар ишлаб чиқилганидир.

Демак, йўналиш белгиланди. Ташкилий ва услубий асослар ҳамда механизмлар шакллантирилди. Кадрлар захираси яратилмоқда. Ёшларга имконият берилмоқда. Хориж тажрибаси ўрганилмоқда. HR хавфлари аниқланмоқда. “Устоз-шогирд” тизими такомиллаштирилмоқда. Энди энг муҳим босқич — натижа. Чунки давлат бошқарувида ҳар қандай стратегиянинг ҳақиқий мезони ҳужжатлар сони эмас, инсон ҳаёти ва меҳнатида сезиладиган ўзгаришдир.

Келажакка инвестиция

Сеулда илгари сурилган “буюртма — ўқитиш — бандлик” тамойилини кенгроқ фалсафий маънода талқин қилсак, бу аслида бир саволга жавобдир: давлат келажакни нимадан қуради? Жавоб оддий: инсондан!

Завод қуриш мумкин. Технология сотиб олиш мумкин. Дастур яратиш мумкин. Аммо уларни ишлатадиган, такомиллаштирадиган ва янги ғояларга айлантирадиган инсон бўлмаса, барча инвестициянинг самараси чекланади. Шунинг учун инсон капитали харажат эмас. Инсон капитали — инвестиция.

Солиқ тизимида бу фалсафа янада муҳим. Чунки замонавий солиқ маъмуриятчилигининг юзи унинг бинолари ёки техник воситалари эмас, инсонлари. Билимли солиқчи — адолатли ва самарали маъмуриятнинг пойдевори. Ўзини қадрланган ҳис қилган ходим тизимга садоқат билан хизмат қилишга интилади. Доимий ўқиб-ўрганадиган мутахассис ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Ёш кадрга ишонч билдирилса келажак раҳбари шаклланади. Устознинг тажрибаси шогирдга ўтса, тизимнинг институционал хотираси сақланади. Шу маънода, бугун солиқ тизимида кадрлар билан боғлиқ қилинаётган ишлар оддий HR жараёнлари эмас. Бу — келажак давлат хизматчисининг қиёфасини шакллантириш жараёни.

Сеул саммитида айтилган “буюртма — ўқитиш — бандлик” формуласи эса ана шу жараёнга яна бир муҳим мезонни қўшади: инсонни шунчаки иш билан таъминлаш эмас, унинг салоҳиятини мамлакат тараққиётига боғлаш. Зеро, кучли давлатни фақат кучли иқтисодиёт эмас, кучли инсонлар барпо этади. Бугун кадрларга сармоя киритаётган ҳар бир тизим аслида эртанги кунга сармоя киритмоқда.



СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИ:
тизимга хусусий сектор кириб келмоқда

Маълумотларга кўра, юртимизда 3,8 миллионга яқин аҳоли ҳамда қарийб 2 мингта ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газ билан таъминланади. Жорий йилда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари эҳтиёжи учун 604,8 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш кўзда тутилган. Айни вазифа янгича тартибда бажарилиши кутиляпти. Боиси, ушбу йўналишда мутлақо янги тизим жорий этилмоқда.



Кун мавзуси

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда ана шу тизимни тубдан янгилаб, доимий ривожлантириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани боиси шунда. Хусусан, аҳолини суюлтирилган газ билан сифатли ва узлуксиз таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда табиий газ тармоғи етиб бормаган ҳудудлар мавжуд. Бундай хонадонлар аҳолиси, асосан, суюлтирилган газдан фойдаланади. Аммо баъзан газ етказиб беришда муаммолар кузатилмоқда.

Бундан ўн йил олдинги вазиятни кўпчилик яхши эслайди. Суюлтирилган газ билан боғлиқ муаммолар деярли ҳар бир оилага дахлдор эди. Йиллар давомида янгиланмаган инфратузилма ортиб бораётган юкламани кўтара олмай қолганди. Айрим хонадонлар газ келишини ҳафталаб кутишга мажбур бўлган. Айниқса, қиш ойларида муаммо яққол кўриниб қоларди. Газ баллонларини сотиб олиш у ёқда турсин, уларни топишнинг ўзи маҳол бўлган. Танқислик аста-секин одамлар ҳаётининг одатий қисмига айланиб қолганди.

Ҳозир бу муаммолардан асар ҳам қолмаган дейишдан йироқмиз. Аммо кейинги йилларда соҳадаги ўзгаришлар бевосита одамлар турмуш тарзига кириб боргани рост. Тизим тубдан янгиланиб, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида мутлақо замонавий, рақамлашган ёндашувларга ўтилгани самараси юртдошларимиз ҳаётида яққол сезилмоқда. Йирик кўламдаги модернизация ишлари сабаб аҳолини газ билан таъминлаш қамрови ошиб боряпти.

Шунга қарамай, ҳали қилиниши керак бўлган вазифалар кўп. Аҳолига суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб беришда баъзи муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, айрим ҳудудларда суюлтирилган газ истеъмолчиларга белгиланган муддатларда етиб бормаётгани боис, аҳоли зарур манбани автомобилларга газ қуйиш шохобчаларидан бозор нархларида харид қилишга мажбур бўляпти. Бу одамлар учун ортиқча ҳаракат ва харажат дегани. Қиш эшик қоқаётган бир вақтда шу каби масалаларни ҳал этиш зарур.

Маълумотларга кўра, юртимизда 3,8 миллионга яқин аҳоли ҳамда қарийб 2 мингта ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газ билан таъминланади. Жорий йилда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектлари эҳтиёжи учун 604,8 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш кўзда тутилган. Айни вазифа янгича тартибда бажарилиши кутиляпти. Боиси, ушбу йўналишда мутлақо янги тизим жорий этилмоқда.

Шу йил 7 сентябрда давлатимиз раҳбарига аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тақдимот қилинди. Унда бир қанча йўналишлар белгиланган бўлиб, асосий мақсад суюлтирилган газнинг одамларга ўз вақтида етиб бориши, таъминотда узилишларга йўл қўймаслигига қаратилган. Давлатимиз раҳбари қўяётган талаб ҳам шу — айни масалада, энг аввало, аҳоли манфаати устувор бўлиши зарур.

— Суюлтирилган газ таъминотида босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтиляпти, — дейди энергетика вазири Шерзод Хўжаев. — Бунинг учун соҳага хусусий секторни кенг жалб этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Янги ёндашувни, аввало, Андижон вилоятида пилот лойиҳа сифатида амалга ошириш белгиланди. Унга кўра, ҳудудда “Ҳудудгазтаъминот” билан бир қаторда хусусий тадбиркорларга ҳам газни аҳолига эркин нархларда сотиш имконияти берилади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилиб, баъзи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилади, мақсад соҳада тадбиркорларни кенгроқ рағбатлантиришга қаратилган.

Бу одамларнинг танлов ва хизматдан фойдаланиш имкониятини ҳам оширади. Масалан, бугунги кунда аҳоли орасида белгиланган нормадан ортиқча суюлтирилган газ истеъмолига эҳтиёжи бўлса, ўз шахсий автомобилларида газ тўлдириш шохобчаларига бориб, газ баллонларини тўлдириб, нотўғри тарзда фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Ана шундай хавфли ҳолатларга йўл қўймаслик учун керак бўлса ҳар бир маҳаллада суюлтирилган газ баллонлари сотиладиган, барча техник талабларга жавоб берадиган хусусий шохобчаларни очиш кўзда тутилган. Соҳага хусусий сектор кириб келиши эса рақобат муҳитини яратиб, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширади.

Истеъмолчиларда танлов имконияти бўлади

Гап энди одамлар “уйимизга қачон суюлтирилган газ етказиб беришар экан”, деб кутиб ўтирмасдан, яқин атрофдаги хусусий шохобчадан исталганча газ сотиб олиши мумкинлиги ҳақида боряпти. Андижонда бошланадиган пилот лойиҳа асосий тажрибага айланиши кутиляпти. Лойиҳа доирасида жараёнга камида иккита хусусий оператор жалб этилади. Улар зарур лицензия ва рухсатномалар, малакали муҳандис-техник ходимларга эга бўлиши керак. Ҳудудларда шохобчалар ташкил қилиниб, суюлтирилган газни етказиб беришнинг аниқ жадвали бўлади, ҳисоб-китоблар рақамлаштирилиб, тақсимот шаффофлиги таъминланади.

Истеъмолчилар учун мобил илова ва онлайн хизматлар йўлга қўйилади. Одамлар суюлтирилган газни онлайн буюртма бериши, ўзи истаган вақтда исталган ҳажмда сотиб олиши каби қулайликлар юзага келади. Бу эса илгари мавжуд бўлган “газ қачон келади?” каби саволлар ўрнига “буюртмам қачон етказиб берилади?” деган замонавий хизмат моделини шакллантиради. Асосийси, одамларда танлов имконияти ошади. Масалан, айни пайтда “Ҳудудгазтаъминот” томонидан асосан 20 килограммли баллонлардан фойдаланилмоқда. Янги моделда эса тадбиркорларга замонавий газ баллонларидан фойдаланиш, уларни истеъмолчиларга ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб таклиф этиш имконияти берилади. Рақобат муҳитида сифат ва тезкор хизмат турлари ортади.

Хусусий секторни жалб қилиш борасида дастлабки тажриба сифатида Андижон вилояти танлангани бежиз эмас. Бугунги кунда вилоят тадбиркорлари хориждан суюлтирилган газ харид қилиб, ички бозорда сотмоқда. “Ширин” пунктида бошланган тажриба натижалари янги ёндашув самарадорлигини кўрсатди. Энди айни тажрибани янада такомиллаштириш ва натижадорлигини ошириш ишлари давом эттирилади. Янги тажриба босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилади.

— Тизимда шаффофликни таъминлашдаги муҳим жиҳатлардан яна бири суюлтирилган газнинг чакана нархини белгилашда иқтисодий асосланган бозор механизмларига ўтилаётганидир, — дейди иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Хуршид Мустафоев. — Гап шундаки, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, импорт, харид ва етказиб бериш харажатлари ўртасидаги тафовут йилдан йилга ортиб, бюджетдан ажратиладиган субсидияларга талаб кўпаймоқда. Катта ҳажмдаги мавжуд эҳтиёжни қондириш учун фақат тизимни бошқаришнинг ўзи етарли эмас. Ресурсларни харид қилишдан тортиб, етказиб беришгача бўлган барча бўғинларни бир бутун тизим сифатида такомиллаштириш зарур. Шу боис, “Ҳудудгазтаъминот” таъсисчилигида “LPG-Trade” МЧЖни ташкил этиш таклиф қилинди. Ушбу тузилма суюлтирилган газни биржа орқали харид қилиб, белгиланган тартибда одамларга етказиб бериш билан шуғулланади. Жараёнда нарх сиёсати босқичма-босқич тартибга солиниб, эҳтиёжманд оилалар учун манзилли қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилади. Ижтимоий соҳа объектларининг эҳтиёжлари учун суюлтирилган газни биржа нархларида етказиб бериш, аҳолига белгиланган нархда сотиш натижасида юзага келадиган салбий тафовутни республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартиби ҳам кўзда тутилмоқда.

Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар манфаатлари алоҳида эътиборга олинади. Ягона ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган оилаларга газ хариди учун субсидиялар ажратиш белгиланяпти. Бу, айниқса, куз-қиш мавсумида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари учун қўшимча кўмак бўлади.

Янги тизимга кўра, хизмат нархларини босқичма-босқич бозор механизмлари асосида, етказиб бериш харажатлари ва инфратузилмани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш режалаштириляпти. Ҳар ким истеъмолга яраша тўлов қиладиган шундай шароитда, қолаверса, совуқ мавсум сабаб газга талаб ошган вақтда айрим оилалар учун истеъмол эҳтиёжини қондириш қийинчилик туғдиради. Шу боис, давлат томонидан ёрдам умумий имтиёз шаклида эмас, айнан эҳтиёжманд оилаларга йўналтирилади. Суюлтирилган газни импорт қилувчи корхоналар учун биржа савдоларида қонунчилик асосида айрим имтиёз ва чегирмалар берилиши эса ресурс таъминотини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, суюлтирилган газ таъминотида янги босқичга ўтиляпти. Бундан, аввало, аҳоли манфаатдор бўлиши керак. Белгиланган чоралар натижаси, айниқса, куз-қиш мавсумида одамларнинг уйи иссиқ, газ таъминоти билан боғлиқ муаммоси бўлмаганида кўринади. Қолаверса, ушбу йўналишда аҳолига қулай, хавфсиз ва барқарор хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсад қилинган. Истеъмолчи суюлтирилган газни қаердан топишни эмас, уни қанчалик тез ва сифатли олишни ўйлайдиган, ўзига мосини танлайдиган тизим яратиляпти.



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Камолот пиллапояси

ТАРИХИЙ ҚУВВАТ КЕЛАЖАККА ЗАМИН ҲОЗИРЛАМОҚДА

Мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан модернизация қилиш, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши учун замонавий шароитлар яратиш борасидаги ислоҳотлар узоқ, бой ва ибратли анъаналарга эга олий ўқув юртларидан бири бўлган Бухоро давлат университетида ҳам ҳозиржавоблик билан амалга ошириб келинмоқда. Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари тамал тоши қўйилган бу кўҳна ва навқирон олий таълим даргоҳига 1992 йилда университет мақоми берилди.



Университетимиз ўтган даврда мамлакатимиз ва қўшни давлатларга турли соҳалар бўйича олий малакали мутахассислар тайёрлаб келмоқда. Яратилган кенг имконият ва қулай шарт-шароитлар туфайли хорижлик талабалар, олимларнинг олий ўқув даргоҳимизга қизиқиши ортаётир. Бу университетимиз обрўси ошиб, мамлакатимиз таълим тизими юксалиб бораётганидан далолат.

Қадим ва навқирон Бухорони нафақат сайёҳлик маркази, балки дунё олимлари интиладиган, тинчлик, маърифат ва илм-фан тарқаладиган йирик масканга айлантириш муҳим мақсадлардан. Шу боис, азим шаҳарда илмий мактаблар анъанасини тиклашда Бухоро давлат университети ташаббускор бўлмоқда. Зеро, миллатимизнинг маънавий юксалиши, илм-фанга юксак эътибори ва Учинчи Ренессанс сари ташланган қатъий қадамларида шу пайтгача шаклланган анъаналар билан замонавий илм-фан ютуқлари уйғунлиги катта аҳамият касб этади.

Тарихи бир асрга бўйлашаётган бу олий ўқув юрти аслида ўз сарчашмасини 712-713 йилларда Бухоро арки ичида қурилиб, дастлаб ҳам мактаб, ҳам мадраса вазифасини бажарган жоме масжидидан, қолаверса, VIII асрнинг ўрталаридаёқ мусулмон оламида бунёд этилиб, 937 йилги катта ёнғиндан талофат кўрган Форжақ мадрасасидан олган. Кейинчалик Бухорода бунёд этилган ва ислом оламида алоҳида нуфуз касб этган Мир Араб, 1652 йилда иш бошлаган Абдулазизхон мадрасаси, Абдуллахон, Нодир девонбеги, Кўкалдош мадрасалари олий таълим бериш борасида катта мавқега эга бўлган. Бухорои шарифнинг бу каби мадрасаларида турли даврларда буюк ҳадисшунос Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, қонуншунос Абу Ҳафс Кабир, машҳур табиб Абу Али ибн Сино, муаррихлар Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий, Ҳофиз Таниш Бухорий, мутасаввуфлар Абдухолиқ Ғиждувоний, Умар Хайём, Абдураҳмон Мушфиқий, Мулҳам Бухорий, Носир Бухорий, Сайфий Бухорий, Хаёлий Бухорий, Ҳасанхожа Нисорий, Махтумқули, Турди Фароғий, Мужрим Обид, Раҳматулла Возеҳ, маърифатпарварлар Аҳмад Дониш, Абдулқодир Савдо, Шамсиддин Шоҳин, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Берди Кербобоев, бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли каби улуғ инсонлар таҳсил олган.



Дармоной ЎРАЕВА,
Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Имом Бухорий асос солган ҳадисшунослик мактаби, ундан кейин шаклланган калом ҳамда фиқҳ мактаблари бутун ислом дунёсининг ҳуқуқий ва маънавий пойдеворига айланиб, Бухорога “қуббатул ислом” мақоми берилишга сабаб бўлган. Абу Али ибн Синонинг илмий изланишлари тиббиёт илмини жаҳон миқёсида ривожлантирди. Бухоролик етти пир тасаввуф ва фалсафа мактаблари шаклланишига олиб келиб, нафақат юртимизда, балки ислом оламида чуқур фалсафий, диний-ахлоқий, ижтимоий илмларни тараққий топтирди. Мана шуларни инобатга олиб, Бухоронинг тарихий мақомини тиклаш ва маданий-илмий марказга айлантириш бўйича Бухоро давлат университетида амалий қадамлар қўйилмоқда. Бунда, албатта, давлатимиз томонидан белгилаб берилган маърифий тараққиёт йўлида Бухородаги бой маданий ва илмий меросни асраб-авайлаш баробарида, уни бугунги кун ва истиқбол манфаатларига хизмат қилдириш кўзда тутилмоқда.

Бухоро давлат университети битирувчилари орасидан давлат арбоблари, таниқли олимлар, шоиру ёзувчилар, маориф ва иқтисодиётнинг турли жабҳаларида муваффақият билан ишлаб, халқ ва давлатнинг эҳтироми ва эъзозига сазовор бўлган кўплаб инсонлар, ишлаб чиқариш, саноат, маданият, санъат, халқ таълими ходимлари, устоз-мураббийлар, журналистлар, депутатлар, халқаро спорт мусобақалари ғолиблари етишиб чиққан. Унинг тарихида академик Тўра Мирзаев, халқ шоири Жамол Камол, халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Тожикистон халқ шоираси Гулчеҳра Сулаймонова, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари халқ артисти Аҳмаджон Шукуров, бастакор Ўлмас Расулов, эркин кураш, самбо, бокс бўйича жаҳон чемпионлари номи ҳамиша фахр билан тилга олинади.

Университетда фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив (ўзаро манфаатли) ҳамкорликни йўлга қўйиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар яратиш, шу асосда республика ярмаркаларида профессор-ўқитувчиларнинг самарали иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Тажрибали илмий мактаблар анъанасини давом эттириш, кўп йиллик илмий, педагогик ва касбий тажрибага эга олимлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот ишларига кенг жалб этиш ва истиқболли илмий педагог кадрларни тайёрлаш бўйича мақсадли ишлар йўлга қўйилган.

Таълим даргоҳида фольклоршунослик, ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи, физика, биология, кимё, математика, психология, педагогика, чет тиллар, маънавият асослари ва ҳуқуқ каби фанлар бўйича илмий мактаблар яратилган. Натижада илмий жиҳатдан юқори натижаларга эришиляпти. Университет жамоаси республикамиз таълим тизими учун адабиётлар яратиш бўйича ҳам фаол.

Бундан ташқари, ОТМда устоз-шогирд тизимини юқори босқичга кўтариш, ёш олимлар, иқтидорли талабаларни кашф этиш, хусусан, ёшларнинг илм-фанга қизиқиши ва рағбатини оширишга етарли шароит яратиляпти. Умумий майдони 30,2 гектар бўлган ҳудудда 20 минг ўринли замонавий ўқув бинолари, 5400 ўринли шинам ва барча шароитга эга талабалар турар жойлари, замонавий лабораториялар, ахборот-ресурс маркази, стадион ҳамда спорт-соғломлаштириш мажмуалари барпо этилмоқда. Илк натижа сифатида шу ўқув йилида янги кампус ҳудудида 2700 ўринли янги замонавий ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида хорижий давлатлардаги кўплаб илмий-ўқув марказлар ва университетлар, хорижий ташкилотлар билан илмий алоқалар ўрнатилмоқда. Халқаро дастур ва фондлар билан боғлиқ чет эл грантларига эришиш ҳам доимий эътиборда.

Қисқаси, Бухоро давлат университети кеча ва бугун ўзгача қиёфада намоён бўлмоқда. Унинг кечаги тарихи келажак йўлини белгилайди. Бугун Бухорода бой илмий меросни чуқур ўрганиш ва қадимий илмий мактабларни янги давр талаблари асосида қайта тиклаш жараёни фаол амалга оширилмоқда.



Таълим одимлари

ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР – МУНОСИБ ТУҲФА

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги шодиёнаси ўқув йилини янги, замонавий таълим муассасаларида бошлаган ёшлар учун, айниқса, унутилмас воқелик бўлди. Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани ҳамда Навоий шаҳрида фойдаланишга топширилган ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ҳам қўшалоқ байрамни кўтаринки нишонлаган ёшларга айланди.



Тойлоқдаги 2-ихтисослаштирилган мактаб 362 ўқувчи билан иш бошлади. Қабул жараёнида ҳар бир ўрин учун ўртача 23 талабгор даъвогарлик қилгани мактабга қизиқиш катта бўлганидан далолат.

Навоий шаҳрида очилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат филиали эса 504 ўқувчи ўрнига эга. Мажмуада 222 ўринли ётоқхона ва замонавий спорт зали бор.

Жиззах, Фарғона ва Бухорода шу йил фаолият бошлаган муҳандислик мактабларида эса таълим 5 йиллик дастур асосида STEM модели бўйича ташкил этилади. Дастлабки 3 йилда ўқувчилар физика, математика ва хорижий тилларни чуқур ўрганади, кейинги 2 йилда эса муҳандислик фанлари бўйича бошланғич тайёргарликдан ўтади.

Ихтисослаштирилган мактаблар йилдан йилга кўпайиб боряпти ва бу ўзини оқлаяптими деган саволга жавобан эришилган натижаларга назар ташлайлик. 2019 йилдан буён ушбу мактабларда иқтидорли ёшларни саралаш, уларга халқаро стандартлар асосида таълим бериш ҳамда юқори малакали маҳаллий ва хорижий педагогларни жалб этишнинг янги тизими шаклланди.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигига кўра, бугунги кунга келиб SAT 1200+ натижа қайд этган битирувчилар улуши 87 фоизга етди, ТОП-50, ТОП-100 ва ТОП-300 университетларга қабул кўрсаткичлари сезиларли ошди. Президент мактаблари битирувчилари дунёнинг энг нуфузли университетларига ўқишга қабул қилинмоқда.

2019-2026 йилларда агентлик тизимидаги мактаблар сони 8 тадан 249 тага, ўқувчилар қамрови эса 3360 дан қарийб 95 минг нафарга етди. 2020 йилда халқаро олимпиадаларда қўлга киритилган атиги 6 та медаль бугун 150 тага яқинлашди.

Шу маънода айтиш мумкинки, тизимда нафақат қамров, балки таълим сифати, халқаро натижалар ва ёшларимиз учун яратилаётган имкониятлар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда.

Бу йил Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида халқаро даражадаги янги мактаб иш бошлади. Тошкент шаҳрида очилган мазкур мактаб хорижий тилларга ихтисослаштирилган. 600 ўринли таълим даргоҳида ўқиш истагини билдирганлар сони 25 мингга яқинни ташкил этгани қувонарли натижа.

Шу кунгача ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар камида 5-синфдан қабул қилинган бўлса, янги таълим муассасаси бошланғич тайёрловни ҳам йўлга қўйди. Агентлик раҳбари Севара Шокированинг айтишича, бу яна бир йирик лойиҳа. 6 ёшли болажонлар соддалаштирилган дарслар билан мактабга кўникма ҳосил қилади. Болажонларнинг соғлиғи алоҳида эътиборда. Куну тун ишлайдиган тиббиёт ходимлари, беш маҳал таом тайёрланадиган ошхона улар хизматида. Умуман олганда, натижа кўрсатиш учун барча имкониятлар етарли.

Мактабда хорижий тиллар фанлар билан интеграциялашган ҳолда ўргатилади. Математика, физика, кимё, биология ва табиий фанлар инглиз тилида, миллий ўқув дастуридаги фанлар эса давлат тилида ўтилади. Бу ўқувчининг хорижий тилни фақат алоҳида фан сифатида эмас, балки аниқ ва табиий фанларни ўрганиш жараёнида ҳам амалда қўллай олишини таъминлайди. Академик жамоанинг 30 фоизи хорижлик педагоглар бўлса, қолган қисми халқаро тажрибага эга маҳаллий устозлардан иборат. Ҳар бир синфда маҳаллий ва хорижлик мутахассис биргаликда таълим беради.

Мактабга қабул қилинган ўқувчилар қандай тартибда саралаб олинган бўлса, уларга дарс бераж устозлар ҳам шундай танланди. Хусусан, педагоглар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Ҳар бир ўқитувчининг дарс ўтиш маҳорати ўрганилгач, хулосалар умумлаштирилди.

Таълим муассасасида хитой тилини чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилиб, Хитойнинг “Yinghua Academy Group” ташкилоти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида замонавий хитой тили дастурларини жорий этиш, ўқувчиларни халқаро имтиҳонларга тайёрлаш, педагоглар малакасини ошириш ва таълим жараёнига илғор ёндашувларни татбиқ этиш кўзда тутилган. Айни пайтда мактабда хитойлик 3 мутахассис дарс ўтмоқда.

Муассаса таълим модели ўқувчиларга фан ва тилларни ўргатиш билан чекланмайди. Таълим жараёнида уларнинг мустақил фикрлаши, вақтни бошқариши, жамоада ишлаши, лидерлик қобилияти ва замонавий технологиялар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилади. Шунингдек, ўқувчилар учун робототехника, сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, компьютер саводхонлиги, шахмат, санъат ва мусиқа йўналишларида қўшимча машғулотлар ташкил этилади. Битирувчиларга қўйиладиган талаб эса IELTS, SAT каби халқаро имтиҳонлардан юқори натижа кўрсатиш, дунёнинг нуфузли университетларига ўқишга кира олишдир. Яқин келажакда жамоа хорижий олий таълим муассасалари билан тўғридан тўғри ҳамкорликни йўлга қўйишни режа қилаётгани мактаб нуфузини янада оширишда муҳим омил бўлади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Обод гўшалар

НУРЛИ ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН МАНЗАРАСИ

Қизилқум бағрида жойлашган Навоий вилоятида инсон учун қулай муҳит яратиш ва бунёдкорлик жараёнларида алоҳида ёндашув талаб қилинади. Бугун вилоятда иқтисодий салоҳият билан уйғун равишда шаҳар ва туманларнинг қиёфаси ҳам ўзгармоқда. Янги йўллар, замонавий хиёбонлар, истироҳат боғлари, сунъий кўллар, тунда ҳам ёруғ сайр кўчалари барпо этилмоқда.

Навоий шаҳридаги “Ёшлик” кўли аҳолининг севимли масканига айланган. Кўл атрофи яхлит замонавий мажмуага айлантирилмоқда. Лойиҳа амалга ошгач, бу ерда истироҳат боғи, замонавий аквапарк, болалар ва ёшлар учун дам олиш майдончалари, хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари пайдо бўлади. Саккиз минг квадрат метрли табиий пляж бир вақтнинг ўзида 1,5 мингтагача аҳолига хизмат кўрсатади.

— Лойиҳа учун давлат томонидан қарийб 52 миллиард сўм йўналтирилган. Ҳозиргача унинг 90 фоизи ўзлаштирилди, — дейди Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари Искандар Турсунов. — Жараёнда лойиҳага қатор ўзгаришлар ҳам киритилди. Илгари барча хизматлар ягона ҳудудда жамланган эди. Ҳозир дам олишнинг турли йўналишлари алоҳида зоналарга ажратилмоқда. Хусусан, чўмилиш ва пляж зоналари алоҳида бўлади. Шунингдек, имкониятларни кенгайтириш учун қайиқда сайр қилиш, сув бўйида ҳордиқ чиқариш каби хизматлар йўлга қўйилади. Муҳими, бу маскан нафақат ёшлар, балки оилалар, болалар ва умуман, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай ва замонавий дам олиш ҳудудига айлантирилади.

Янги Навоий шаҳарчасида қад ростлаётган “Navoiy Mall” лойиҳасида нафақат савдо, балки аҳоли муносиб ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар ёпиқ масканга жамланади. Бинонинг дастлабки беш қаватидан савдо марказлари жой олади. Ер усти ва ости ҳудудларида автотураргоҳлар бўлади. Ҳозир майдони 1,5 гектарли лойиҳа асосидаги қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда. Бундай масканлар инсонларда яхши кайфият, хотиржамлик ва эртанги кунга ишонч уйғотса, ободлик ўз маъносини топади.

Навоий шаҳри ва Кармана тумани туташган ҳудудда “Соҳилбўйи” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Айни вақтда асосий қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Маскан тўлиқ ишга тушгач, сайргоҳ бир вақтнинг ўзида 3 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсата олади. Муҳими, қарийб 120 киши доимий иш билан таъминланади.

— Қурилишга 85 мутахассис ва ишчи жалб қилинган, — дейди қурилиш ташкилоти



иш юритувчиси Азизбек Саломов. — Ҳозир лойиҳанинг 30 фоизидан ортиғи тайёр бўлган. Ушбу дам олиш масканида 24 та ҳайкал, 4 та шаршара, 3 та кўприк бўлади. Соҳил бўйида уч қаватли бино қуриляпти. Аҳоли маданий ҳордиқ чиқариши учун барча жиҳатлар инобатга олинган. Кичик ва катта ёшдагилар учун ҳам алоҳида қулайликлар яратилади.

Кун давомида меҳнат қилган фуқаролар ишдан қайтгач, ёруғ кўчаларда оилавий сайрга чиқиши, ёшлар дўстлари билан мазмунли вақт ўтказиши бугун ҳудудларда одатий манзарага айланди. Кармана туманидаги 24/7 кўча ҳам кундузги ҳаракат ва тунги ҳаёт уйғунлашган янги жамоат масканларидан бири. Кундуз хизмат ва ҳаракат, кечқурун сайр ва мулоқот, тунда эса нурли ва файзли манзара. Обод кўча шу тариқа оддий инфратузилмадан аҳоли ҳаётининг бир қисмига айланмоқда.

— Туманимизда драйвер соҳаларни ривожлантириш мақсадида 5 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, ижроси учун 15 миллиард сўм ажратилган, — дейди Кармана тумани ҳокими ўринбосари Шерзод Зайниев. — Улардан бири “Соҳилбўйи” лойиҳаси бўлиб, бу ерда 60 дан ортиқ хизмат кўрсатиш ва савдо объекти қурилади. Лойиҳа ишга тушгач, Кармана туманининг 30 мингга яқин аҳолиси учун маданий ҳордиқ чиқариш имконияти кенгаяди.

Қизилқум кенгликлари бағрида ўз тараққиёт йўлига эга, янги қиёфа касб этаётган Зарафшон шаҳрида ҳам бу борада амалий ишлар қизғин. Шаҳарнинг янги қиёфасини белгилаётган лойиҳалар орасида “Zar Vegas” алоҳида ажралиб туради. Чўл ва замонавий туризм имкониятларини уйғунлаштиришга қаратилган бу лойиҳа Зарафшоннинг сайёҳлик салоҳиятини намоён этишга хизмат қилади.

— Президентимизнинг “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Зарафшон шаҳридаги Марварид кўли атрофида дор йўли, сузиш ҳавзаси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш вазифаси белгиланган, — дейди Зарафшон шаҳри ҳокими ўринбосари Анвар Шоҳмирзаев. — Қарорга биноан 30 гектар ерда кўнгилочар, экстремал ва чўл туризми йўналишида туризм шаҳарчаси ташкил этилмоқда. Лойиҳага Туркиянинг соҳада етакчи компанияси томонидан алоҳида мастер-режа ишлаб чиқилган. Шунингдек, аҳоли мароқли дам олиши ва сайр қилиши учун 24/7 кўчаси барпо этилди.

Хатирчи туманида ҳам йирик лойиҳалар қаторида аҳоли учун зарур инфратузилма яратиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Туман марказидаги Амир Темур номидаги истироҳат боғи эса бу ўзгаришларнинг муҳим нуқтасидир. Бу ерда кенг кўламли таъмирлаш ишлари бажарилди.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида Хатирчида замонавий “Соҳилбўйи” дам олиш маскани фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичига 6,9 миллиард сўм йўналтирилди. Муҳими, 100 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозир 8,1 миллиард сўм эвазига икки қирғоқни боғловчи осма кўприк ва масканнинг иккинчи босқич қурилиш ишлари жадал кечмоқда.

Инсоннинг ўз гўшасида қадр топиши муҳим. Ҳудудларда яратилаётган турли йўналишлардаги инфратузилма аҳолига ана шундай шукроналик ҳиссини бермоқда. Бугунги бунёдкорлик келажак авлодга қоладиган мерос, нурли манзиллар эса фаровон ҳаётнинг ёрқин манзараларидир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири


ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўткир Ҳошимов ижодининг миллий адабиётимиздаги мустаҳкам ўрни ва авлодлар қалбига етиб боришининг бош сабаби ҳам айнан шунда — унинг ҳаётий позицияси билан бадиий маҳорати ўртасидаги комил мутаносибликда. Ҳаётда қандай яшаган бўлса, ўз асарларида ҳам шундай ростгўй ва камтар ижодкор бўлиб қолди.

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 85 йиллигига

НАСРДАГИ ШОИР





Нега бирор шахс ёки воқеани эслаганимизда, бутунлай кутилмаган, лекин бир-бирига узвий боғлиқ бошқа тушунча ёки макон кўз олдимизга келади? Психологияда бу ҳодиса “ассоциатив ланғар” деб аталади. Инсон зеҳни улкан ахборот оқимини тартибга солиш учун объектларни муайян воситалар — жой, воқеа ёки рамзлар билан кодлайди. Натижада мия узоқ давом этадиган мантиқий занжирларни четлаб ўтиб, энг кучли боғланишга эга таянч нуқтага дарҳол уланади.



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўткир Ҳошимовни эслаганимда хаёлимга шовиллаб, ваҳм солиб оқувчи Бўрижарнинг келиши адиб асарларидаги воқеалар маконининг ҳиссий ва мантиқий марказлаштирилгани билан боғлиқ. Ёзувчи ушбу ҳудуд муҳитини, ундаги инсонлар тақдири ва ижтимоий муносабатларни ғоят аниқ тасвирлаган. Ўқувчи хотирасида ижодкор образи ва Бўрижар географияси бир-бирига узвий сингиб кетган.

Мана, масалан, Абдулла Қодирий исми тилга олинганда кўпчиликнинг хаёлига беихтиёр Марғилон шаҳри келади. Қодирий ўзи Тошкентда туғилиб ўсган бўлса-да, унинг энг машҳур асаридаги асосий воқеалар тугуни ва фожиалар айнан Марғилон билан боғлангани сабабли инсон хотираси ёзувчини ушбу шаҳар образи орқали қабул қилади.

Чингиз Айтматовни эслаганимизда эса Иссиққўл ёки қирғиз даштлари кўзимиз олдида гавдаланади. Унинг асарларидаги инсон ва табиат ўртасидаги зиддиятлар айнан шу кенгликлар фонида очиб берилгани учун бу географик ҳудудлар адиб шахсиятининг рамзий давомига айланган. Бундай мисоллар жуда кўп. Шахс қайси тушунча, ғояга энг кўп эмоционал ва интеллектуал қувват сарфлаган бўлса, жамоатчилик хотирасида ҳам у айнан ўша образда муҳрланади.

Албатта, Ўткир Ҳошимов ҳақида шаклланган тасаввур, аввало, унинг асарлари ва одамлар билан муносабатида кўринган жиҳатларга боғлиқ. Биз ташқаридан билган ушбу феъл-атвор адиб дунёқарашидаги қатъият ва матонатни тўла англатмаслиги мумкин.



Аммо ёзувчининг одамлар билан муомаласидаги юмшоқлик, ҳаёт, адабиёт ва эътиқодига муносабатидаги принципиаллик, шубҳасиз, бир-бирини инкор этмаган. Аксинча, унинг шахсиятини яхлитлаштирган икки жиҳатдир. Шу сабаб адибни яқиндан билганлар хотирасида у фақат кўнгилга яқин, хушмуомала инсон сифатида эмас, балки ички мезонлари аниқ, ўз қарашларидан осонликча чекинмайдиган дилбар шахс сифатида ҳам қолган.

— Дадамнинг асарларини ўқиган китобхон муаллифни кўнгил одами деб ўйлайди. У билан бевосита суҳбатлашганлар ҳам дадамни хушмуомала, юмшоқфеъл одам сифатида эслаб қолган, — дея хотирлайди адибнинг қизи Юлдуз Ҳошимова. — Аслида, дадамнинг ичида мустаҳкам ўзак бор эди. Қатъият ўзаги, адолатпарварлик ўзаги. Бу феъли ноҳақликларни кўрганда намоён бўларди. Қаерда ишлашидан қатъи назар, ўзи тўғри деб билган йўлдан ҳеч қачон қайтмаган. Виждонига қарши борганини кўрмаганман. Шунинг орқасидан жуда кўп дакки эшитган. Ҳатто “Шарқ юлдузи”да ишлаб юрган пайти унга қарши беш юз бетли қоралов материали йиғилган. Тасаввур қилинг-а, беш юз бетли!

Замондошлари ўз хотираларида ёзувчини эл ардоқлаган, у адабиётга кириб келганидан буён ижодда ғирромлик йўлидан юрмаган, истеъдодини шахсий манфаатларига қурбон қилмаган деб ёзар экан, ҳақиқатан, адибнинг қалбига қулоқ солмай, виждонига хилоф равишда ёзган, ёлғонга ва ёмонликка хизмат қилувчи ёки китобхонни лоқайд қолдирувчи бирорта асари йўқлигини ҳушёр ўқувчи тушуниб етади. Шунинг учун халқ уни дарров, тўсиқларсиз, пардаларсиз қабул қилди — ўғилдек, отадек, шогирд ҳамда устоздек.



“Сиз — менинг ўғлимсиз”

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов бундай эслаган: “Бу воқеа Қувадаги бир колхозда рўй берганди. Дала шийпонида, тушлик вақтида китобхонлар билан учрашув бўляпти. Авжи саратон. Қуёш роса забтига олган. Чоққина ҳовуз теварагидаги толлар ҳам, дид билан саралаб экилган анвойи гуллар ҳам иссиқдан толиққандек қилт этмайди. Лекин учрашувга тўпланганларни жазирама шаштидан қайтаргани йўқ. Олис бригадалардан ҳам, ҳатто қўшни хўжаликлардан ҳам одамлар келган.

Бир маҳал одмигина кийинган ўрта ёшлардаги аёл минбарга кўтарилди. Чеҳрасида чўнг бир мусибатнинг муҳри илғаниб турган бу аёлнинг исми Мушарраф ая экан.

— Ўткиржон, сиз менинг ўғлимсиз, — деди у ҳаяжонда. — Ҳайрон бўлманг, менинг ўғлим бор эди. Афғондан темир табути келди. Йиғлай-йиғлай кўзимда ёш қолмади. Мусибат мени енгиши аниқ эди. Бир куни қўлимга бир китоб тушди. “Дунёнинг ишлари”. Уни ўқидим-у, руҳим енгил тортгандай бўлди. Аёлнинг, онанинг улуғлигини яна бир бор ҳис қилдим. Шунда сизни ўғлим ўрнига ўғлимдек қабул қилдим. Аллоҳдан ўғлим яшаёлмаган умрни сизга бағишлашини тиладим. Шу тилак билан сизга атаб дўппи тикдим...

Мушарраф ая гапини тугатиб, Ўткирнинг ёнига борди ва оқ докага ўралган дўппини олиб, бошига кийгизди. Йўқ, гулдурос қарсаклар янграмади, кимлардир бўғзига келган йиғини ютиб, кўзларини пирпиратди, кимларнингдир кўзларига ёш қалқди.

Оддий қишлоқ аёлининг адибга бунчалик меҳри мени ҳанузгача ҳаяжонга солади. Бора-бора оддий одамларнинг Ўткирга бағоят эҳтиром кўрсатишига кўникиб ҳам кетдим. Чунки ҳар йили камида бир-икки марта бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўла бошладим...”.

Ўткир Ҳошимов қонида, табиатида аждодларидан ўтган, хусусан, бобосига хос арбоблик, отасидан ўтган бир оз қизиққонлик, ҳақпарастлик, онасидан теккан кўнгилчанлик, ўзгалар дардига ҳамдардлик хислатлари ўзига хос тарзда мужассам. Ёзувчининг болалиги оғир уруш даврида ўтди. У уруш даврининг муҳтожликлари ва машаққатларини кўриб, татиб ўсди. Ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар одами сифатида шаклланди. Кейинчалик болалик таассуротлари унинг ижодида чуқур из қолдирди.

Адибнинг аждодлари ўз замонасининг етук инсонлари бўлган. Бобокалони Абулқосимхон эшон Чор Россиясининг Туркистонга босқинига қарши турган уламолардан бўлиб, ўн тўққизинчи аср ўрталарида ўз маблағига катта мадраса қурдирган. Унда юздан ортиқ талаба илм олган. Абулқосимхон эшон аҳли илмнинг ётоғидан тортиб, кундалик турмуши учун нафақа (стипендия) ҳам тўлаб борган. Бу даргоҳда Абдулла Қодирий ҳам ўқиган, таҳсил кўрган.

Отаси Атаулла Ҳошимов эса оддий ишчи бўлган. Умрининг кўп қисмини Тошкент тўқимачилик комбинатида, кейин шу комбинат ҳузуридаги пионерлар лагерида ишлаб ўтказган. “Отам эскича алифбодаги китобларни ҳам, замонавий газеталарни ҳам муттасил ўқиб борар, камгап, хийла тажанг, аммо ниҳоятда ҳақпараст одам эди... Бирор ноҳақликни кўрса, лов этиб ёниб кетар, “падарингга лаънат”, “кўрсатиб қўйиш керак”, деб шовқин кўтararди”.

Ўткир Ҳошимов “Машаққатли сафар” деган таржимаи ҳолида оилада отаси билан боғлиқ яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлайди: “Отамдан қаттиқ ҳайиқар эдик. Отам бирон марта ҳам бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган: “Ҳозир аданг келадида, уйни супуриб қўй”, “Аданг-нинг жаҳллари ёмон, тинч ўтиринглар”, “Адангнинг кетмонига тегма”, “Адангнинг соатига қўл теккизма...”. Билмадим, ҳозирги замонавий оилаларга бу ҳолат “феодализм” бўлиб туюлар, аммо бизнинг оиламизда ота шахсига эҳтиром фарзандларга зиён келтирганини эслай олмайман”.

Бўлғуси адибнинг онаси Ҳакима Ҳошимова уй бекаси эди. Бу аёл мадраса кўрмаган бўлса ҳам ғоят зеҳни ўткир, жуда хушфеъл аёл бўлган. “Онам эса, аксинча, ниҳоятда ювош, жуда меҳрибон эди. Қўшнининг мушуги туғса ҳам, жони оғригандир, деб ачинар, кўчада бирор бола йиғлаб ўтирган бўлса, албатта, тепасига бориб бошини силар, бирор сабаб билан биз — болаларни қарғаса, ўзи ҳам йиғлаб юборар, ўша заҳоти кўнглимизни олишга ҳаракат қиларди”. У ниҳоятда фариштали, диёнатли аёл бўлгани учун маҳалла-кўйда уни ёшу қари баравар ҳурмат қиларди. Одамлар ўртасида бу ажойиб инсон “пошша ойи” деган ном билан шуҳрат топганди. Айтганча, бу киши қанақа одам бўлгани “Дунёнинг ишлари”да маҳорат билан тасвирланган.


“Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Ҳатто у алданган одамнинг маънавий инқирози, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғуни сақлаб қолади. Айниқса, у яхши, олижаноб, маънавий баркамол шахслар қалби, табиати тасвирида ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади”, деган эди адабиётшунос Умарали Норматов. Ҳақиқатан, ёзувчининг ижобий қаҳрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ўта таъсирчан одамлар. Эҳтимол, ёзувчи асарлари қаҳрамонларининг ўзбек китобхонлари кўпчилигини асир қилган омиллардан бири шундадир. Унинг асарларида персонаж талқинидаги нафосат туйғуси билан йўғрилган лиро-романтик йўналиш алоҳида жило билан намоён бўлади. Бу ҳолат, шубҳасиз, миллий насримизнинг бойлиги.

Тўлғоқ тутганда...

Паустовкийнинг бундай гапи бор: “Ҳар бир дақиқа, бехосдан айтилган ҳар бир сўз ва ташланган нигоҳ, ҳар бир теран ва юзаки фикр, инсон юрагининг ҳар бир сезилмас ҳаракати, тераккинг учиб юрган момиғи ёки кечаси қўлмакда жимирлаган юлдуз шуъласи — ҳамма-ҳаммаси олтин чангининг зарраларидир. Биз, қаламкашлар ўн йилларча мана шу кичик зарраларни йиғамиз, йиғаётганимизни ўзимиз ҳам пайқамаймиз. Бир бўлак тиллага айлантирамиз ва кейин ундан ўзимизнинг “олтин гул”имизни — қисса, роман ёки поэмамизни ясаймиз...”.

Паустовскийнинг “олтин гул” ҳақидаги қараши ижод табиатининг энг нозик фалсафасидир: ёзувчи атрофидаги ҳар бир майда ишорани, ҳис-туйғу ва таассуротни жимгина ўзига сингдириб боради. Улар вақти-соати келиб битта бутун асар, яхлит оламга айланади. Аммо бу метафора ортида муаллифнинг руҳиятида кечадиган мураккаб ва азобли жараён яширинган. Йиғилган шу “олтин чанги” ёмби ҳолга келиши учун қоғозга тушар экан, ижодкор ташқи дунё билан алоқасини деярли узади. Бу ҳолат ҳар қандай чалғитувчи чақириқдан, ҳатто энг мароқли сафарлардан ҳам устун келади.

Бунинг қанчалик ҳақиқат эканига Иброҳим Ғафуров гувоҳ бўлган бир воқеа яққол мисол бўла олади: “Ёзувчи зотини тўлғоқ тутган пайтларни кўрганман. Бундай тўлғоқнинг ширин азоби пайтида унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, еган-ичгани татимас экан.



Имконият туғилиб, Покистонга сафарга борадиган бўлдик. Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий, Аҳмаджон Мелибоев ва камина. Бу сафарга Ўткирнинг ҳеч боргиси йўқ эди. Биз уни кўндиришга уринар, у эса нуқул “қолиб кетади”, “қолиб кетади”, дер ва қўлидаги пирилдоғини ўта асабий нохуш пириллатарди. Шу кезлар у бир асар устида ишлаётган, кейинги воқеалар, зиддиятларнинг ечимлари миясида пишиб етилган, энди уларни шитоб билан қизиғида қоғозга тушириш пайида эди. У дўстларининг юзидан ўтолмай, не азоб билан бўлса-да, биз билан ҳамроҳ бўлди. Лекин уч кун сира-сира очилмади. Бошини булут босгандай тумтайиб юрди. Назаримда, касал бўлиб қолаётганга ўхшарди.

Охирги куни “Ахир нега бунақасиз, Ўткир!” десам, ниҳоят ёрилди. “Ўша сизга айтганман: янги роман охиригача миямда пишди, тез тугатмасам, совийди. Қолиб кетади!” деди яна аянчли ёзғириб. “Темпни йўқотиб қўйиш ёмонда, а?” дедим. У худди шуни кутиб тургандай, “Жуда ёмон, жуда ёмон!” деди аввалгидан баттар хуноб бўлиб.

Хуллас, уч кун сафарда унга ҳеч нарса татимади. Игнанинг учида келгандай бўлди. Ҳатто жануб денгизи, сарин шамоллар, қизиқарли учрашувлар унинг баҳридилини очолмади… Мен уни дўстларим қатори бу сафарга кўндирганимга ўкиндим. Ижодкорга бу янги асарга ҳомиладор бўлганда, тўлғоқ тутганда сира тегиб бўлмаслигини англадим. Аммо бир ойлардан сўнг у юзи ёришган, кўзи порлаган ҳолда келди. “Тугатдим! — деди. — Ном топиш керак”. У бир қанча номларни айтди. Улар ичида жуда эътиборли, салмоқдорлари ҳам бор эди. Бир оз ўтириб, уларни “разбор” қилдик. Барибир уларнинг бирортасига тўхташ қийин бўлди. Андак вақт ўтгач, дўстларимиздан бири “Бу воқеалар худди тушдай кечсин”, деб айтибди. Ўткирнинг мияси ярқ очилиб, “Тушда кечган умрлар” деган ном юзага чиқди. Адабиётимизда янгилик бўлган романлардан бири шундай тўлғоқларда туғилди. Албатта, Покистон сафари ҳам беҳуда кетгани йўқ. Афғонга ўхшаш шароитнинг руҳи ўз ўрнида акс садосини топди”.

Бадиий асар катта ҳаяжон билан, шавқ билан ёзилиши керак. Бу ҳақда ёзувчи бундай дейди: “Китоб ёзаётган қаламкашнинг ҳаяжони китоб ўқиётган ўқувчининг ҳаяжонидан ўн карра кучли бўлади. Китоб ўқиётганингизда жиндай табассум қилсангиз, билингки, ўша саҳифаларни қаламкаш росмана кулиб ёзган. Китоб ўқиётганингизда кўзингизга бир қатра ёш келса, билингки, қаламкаш ўша саҳифаларни росмана йиғлаб ёзган”.

Ижтимоий тармоққа жойланган эски интервьюларни бирма-бир кўздан кечирарканман, ёзувчининг аёли Ўлмасхон Ҳошимованинг ушбу ҳикояси диққатимни тортди: “1982 йили Пицундага бордик. Ёзувчилар ижодий уйидан хона беришди. Мен болаларни денгизга олиб бораман. Адаси деярли хонадан чиқмай ишлайдилар... Орадан ўн кунлар ўтди. Бир гал хонага қайтсак, ёзган нарсаларини йиртиб ташлаяптилар. Ҳай-ҳайлаб бир қисмини олиб қолдим. Қўлёзма сарлавҳасини шунда кўрдим. “Эртага — куз”. Юз бетлар ёзилган экан, деярли ҳаммаси йиртилиб бўпти...

— Нега ундай қилдингиз? — десам, қўл силтадилар:

— Бўлмайди! Сиғмаяпти! Хом!

Қўлёзманинг омон қолган саҳифаларини ўқиб кўрсам, бинойидек. Нима “бўлмагани”, нима “хом”лигини орадан икки йил ўтгач, “Икки эшик ораси” романи қоғозга тушганидан сўнг англадим. “Икки эшик ораси”дек салмоқли, фалсафий, психологик роман аввалги услубга ҳам, қолипга ҳам сиғиши мумкин эмас экан”.

“Ўткир Ҳошимовни насрдаги шоир, етук асарларини эса насрдаги қўшиқ, тарона деб аташ мумкин, “Чўл ҳавоси”дан тортиб, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобига қадар барча асарига хос муштарак жиҳат шуки, улар бетакрор, беназир сирли мусиқий оҳанг билан йўғрилган”, дейди Умарали Норматов. Дарҳақиқат, муаллиф қалами учидан сўзлар мусиқа сингари қуйилиб келади; унинг ҳикоя ва қиссалари шеърдек, достондек ўқилади, улар якка созда чалинган дилрабо куйдек янграйди, романлари кўп овозли симфонияни эслатади, ҳатто унинг бадиалари, публицистик мақолаларини ўқиганда инсон кўнгил хазинасининг, туйғуларининг хилма-хил жилолари мужассам, оддий маиший кечинмалардан тортиб, улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабоҳатлар ҳақида қалам тебратганда ҳам нафосат туйғусини асло тарк этмайди. Ғоят тиғиз лавҳаларда ҳам ажиб самимият, ҳазин ва нурли бир куй акс садо бериб туради.

Ялпизсомса

Халқ ёзувчиси ҳақида халқ хулоса қилгани маъқул. Тағин адиб ҳаёти ва ижодига оид хотираларни ўқирканман, Ғани Абдуллаев деган боғбоннинг мақоласига кўзим тушди: “Эсимда, эрта баҳор кезлари эди. Тушлик қилиш учун уйга кетаётсам, дала йўлининг четида Ўткир аканинг ҳаворанг “Жигули” машинаси турибди. Яқинроқ бориб қарасам, ёзувчи умр йўлдоши Ўлмасхон опа билан анҳор қирғоғида юрибди. Ялпиз теришаётган экан. “Нега шийпонга бормадингиз?” десам, “Сизни ишдан қолдиргимиз келмади”, дейишди... Эртасига нима сабабдандир шийпонга пешиндан кейин бордим. Қарасам, шийпон устунининг михида бир халтача илиғлиқ турибди. Очиб кўрсам, ичида қоғоз пакетга солинган ялпизсомсалар бор экан. Газета таҳририятига қўнғироқ қилдим. “Эрталаб ишга келаётганда чайлага ўтган эдим, йўқ экансиз, сизнинг насибангизни қолдирдим”, деди Ўткир ака...

Шу хотиранинг ўзиёқ Ўткир Ҳошимов феноменини очиб беради: ёзувчининг шахсияти ва бадиий олами аслида бир-биридан айро бўлмаган ягона бутунлик эди. Жамиятдаги мавқеига қарамай, оддий меҳнаткаш инсоннинг меҳнатини қадрлаш, унга камтарона ва самимий муносабатда бўлиш адиб учун ички эътиқод эди.

Китобхонлик тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқувчи матндаги сохталаштирилган туйғуларни тез пайқайди. Мазкур воқеа эса адибнинг асарларидаги самимият манбаи қаердан эканини яққол исботлайди: ҳаётда одамларни чин дилдан севган, уларнинг ички дунёсини ҳурмат қилган ва кичик эътиборни ҳам унутмаган адибгина ўз асарларида ўқувчини ларзага солувчи ҳаққоний образларни ярата олади.

Ўткир Ҳошимов ижодининг миллий адабиётимиздаги мустаҳкам ўрни ва авлодлар қалбига етиб боришининг бош сабаби ҳам айнан шунда — унинг ҳаётий позицияси билан бадиий маҳорати ўртасидаги комил мутаносибликда. Ҳаётда қандай яшаган бўлса, ўз асарларида ҳам шундай ростгўй ва камтар ижодкор бўлиб қолди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 20:37 Топширилди — 21:50